



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
10 декабрь куни АҚШнинг
Афғонистондаги ярашиш масалалари
бўйича махсус вакили Залмай
Халилзод ва АҚШ Президенти
ёрдамчисининг ўринбосари, Миллий
хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва
Марказий Осиё бўйича катта
директори Лиза Кёртисни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ делегациясини самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланаётгани ва изчил мустақамлашиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Жорий йил май ойида АҚШга олий даражадаги ташиф якунида эришилган келишувлар стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб бергани таъкидланди.

Турли даражадаги алоқалар фаоллашди, самарали сиёсий мулоқот ва парламентлараро ҳамкорлик йўлга қўйилди, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, маданий-гуманитар алмашувлар жаддалашмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Афғонистон билан аънавий яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани, ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, изчил тараққиётни таъминлаш тарафдори эканини қайд этди.

Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган инфратузилмага оид қатор аҳамиятли лойиҳалар бу жараёнга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Мозори Шариф – Хирот темир йўли ва Сурхон – Пули Ҳумро электр узатиш линиясининг қурилиши шулар жумласидан.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо ҳажми ва транзит юк оқимини оширишга хизмат қиладиган божхона терминалини ўз ичига олган «Термиз-Карго-марказ» халқаро логистика маркази ташкил этилди.

Бундан ташқари, Термиз шаҳрида афғон ёшлари таълим олаётган ва касб-ҳунар эгаллаётган Таълим маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Учрашувда Афғонистонда тинчлик музокаралари жараёнини бошлашда афғон халқининг бош ва ҳал қилувчи ролини назарда тутган бутун халқаро ҳаммуносабат сий-ҳаракатларини янада ўзвий мувофиқлаштириш, ушбу мамлакатда иқтисодий кўмак лойиҳаларини илгари суришда амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги қайд этилди.

Залмай Халилзод ва Лиза Кёртис самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қўшни мамлакатлар, жумладан, Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсатида юксак баҳо берилди.

Жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция якунилари афғон масаласини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича кўп жиҳатдан халқаро чоралар йўналишларини белгилаб бергани ва бу борадаги қўшма ҳаракатлар учун асос бўлгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш мақсадида Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш масалаларида ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн еттинчи ялпи мажлисининг очирилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси 2018 йил 13 декабрь куни эрталаб соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага, 2018 йил 12 декабрь куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида фойесда рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш бўйича комплекс чоралар қабул қилинди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилишнинг таъсирчан механизмлари ишлаб чиқилди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар билан ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро норма ва стандартларни самарали амалга ошириш заруратини тўғримоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти самарадорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Белгилансинки:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (кейинги ўринларда – Марказ) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрлашини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг таъминловчи давлат органи ҳисобланади;

Марказ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади;

Марказ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади;

Марказ давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича кўмаклашади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро ташкилотлар ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, ушбу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларининг бажарилиши бўйича давлат органлари фаолиятига кўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилиш;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича миллий маърузалар тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари») ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқий қўллаш амалиётига имплементация қилишнинг таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотларга маслаҳат бериш функциясини амалга ошириш ва уларга амалий кўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорлиқни амалга ошириш.

3. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришда фаол ва бевосита иштирок этиш, идоралараро ҳамкорлик қилиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, шу жумладан, судлар ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгилансин.

4. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришга алоқадор вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари Марказ билан доимий ҳамкорлик қилиш, унинг сўровига қўра инсон ҳуқуқлари соҳасида тегишли ахборот ва статистик маълумотларни тақдим этиш учун маъсул тузилмалар ва мансабдор шахсларни белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига: Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузалар лойиҳаларининг муҳокамаларини ўзларининг қўмита ва комиссияларида ўтказиш;

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг устас ва шартномавий органларида қўриб чиқиш якунларини заруратга қараб эшитиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари») тасдиқлаш тавсия қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни чеклаш масалалари бўйича қонун лойиҳалари Марказ билан мажбурий равишда келишилади.

6. Марказ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ва бошқа ташкилотлар билан меморандумлар, ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро форумларда мунтазам иштирок этишни назарда тутуви Марказнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқсин.

7. Қуйидагилар: бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 35 нафар кишидан иборат Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги низоми 2-иловага мувофиқ;

Марказ ходимларининг меҳнатига Ягона тариф сеткаси бўйича ҳақ тўлаш разрядлари 3-иловага мувофиқ;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилансинки: Марказни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор бошқаради;

Марказ директори унинг тақдимида қўра Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган иккита ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга;

Марказ директори мақоми, тиббий ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича вазирга, директорнинг биринчи ўринбосари, директор ўринбосари вазирнинг ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун назарда тутилган махсус унвон – мартаба даражалари берилди ҳамда мартаба даражалари учун устама ва кўп йиллик хизматлари учун қўшимча ҳақ тўланади;

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига қўра Марказ ходимлари лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари 1,7 баравар кўпайтирилган микдорда қўлланилади.

9. Марказ директорига: зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига бошқарув ходимларининг умумий белгиланган сони доирасида ўзгартириш киритиш;

Марказ зиммасига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида маслаҳатчи сифатида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, белгиланган тартибда халқаро ва хорижий ташкилотлар экспертларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

республика бюджетидан Марказ ходимлари лавозим маоши микдорининг ошиши, уларга устама ва қўшимча ҳақлар тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур микдорда маблағ ажратсин;

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Марказ ходимларининг иш ҳақи фондини оширилган микдорда молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

Марказга асосланган ҳисоб-китобларга қўра моддий-техник базасини шакллантиришга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва ахборот-коммуникация технологияларини сотиб олиш ҳамда маъмурий бинони таъмирлаш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

Марказга хизмат кўрсатиш учун ўрта шахсан бириктирилган ва битта навбатчи автомобилни таъминлаб туриш учун зарур лимитлар ажратсин.

11. Марказ Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 15-уйга бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Марказни алоқанинг зарур воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан ҳамда бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидан кенг поласали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашини, шунингдек, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда видеоконференциялар, интернет-форумлар ва телекўприклар ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин.

13. Марказ: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий судининг статистик ахборотлари мажбурий жўнатмалар реестрига;

Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

14. Марказ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 10 декабрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

ФРАКЦИЯ ПОЗИЦИЯСИ

ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУРАТИ

Айрим қонун лойиҳалари айнан шу жиҳатдан бир-бирига ўхшайди



Муносабат ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ ДАСТУРИ

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллик байрами ва Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг ана шу тарихий санага бағишланган тантанали маросимда маърузаси ҳам тарихий маъруза бўлди. Чунки унда ҳалқимиз ҳаёти, фарзандларимиз келажаги, юртимиз тараққиётига бевосита дахлдор бўлган гоёт муҳим фикр ва гоёлар, қимматли ташаббуслар илгари сурилди.

Бу маъруза байрам тадбирларининг энг ёрқин воқеаси сифатида жамоатчилигимизда жуда катта қизиқиш уйғотди. Амалга оширилган ишлар ва қилинажак улкан вазифалар ҳар биримизнинг қалбимизда бутунги ислохотларга нисбатан ишончимизни янада мустаҳкамлади, кўнгилда эзгу режаларни уйғотди.

► Давоми 4-бетда.

ЭРКИНЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Конституция халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб, дунё maidонида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида фаолият юритиш учун мустақкам асос бўлиб келмоқда. Унинг асосий моҳияти халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш, муносиб ҳаёт шароитлари яратишдан иборатдир.



Хотамжон КЕТМОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия
фракцияси раҳбари:

Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун ҳаммамиз учун бирдек муқаддас сана ҳисобланади. Бу байрам арафасида эришилаётган натижаларни сарҳисоб қиламиз, олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб оламиз. Конституцияда халқимизнинг энг эзгу интилишлари, улғу орзу-мақсадлари муҳрланган. Бундай юксак марраларга етишиш учун, қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъи назар, бажарган ишларимиздан ҳаволанмаслигимиз, аксинча, ҳали кўп меҳнат қилишимиз шарт.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаб, энг аввал ҳаё-

дан шундай фикрлар ўтди.

Конституция нима дегани? Конституция бу – аввало ҳуқуқ дегани, инсонпарварлик ғоялари устуворлиги дегани. Охириги икки йилда судлар мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим чоралар кўрилгани натижасида мамлакатимизда ушбу йўналишда мисли кўрилмаган ўзгаришлар кузатилди.

Давлатимиз раҳбари келтирган рақамларга эътибор берайлик, жорий йилнинг ўзига 1 минг 881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмагани сабабли тугатилган, судлар томонидан 590 нафар шахс оқланган. Таққослаш учун: бу рақам 2016 йилда бор-йўғи 28 тани, 2017 йилда эса 263 тани ташкил этган. Бир пайтлар назоратга олинган 20 мингдан ортиқ юрдошларимиз «махсус ҳисоблар»дан чиқарилган. Мана шу рақамлар ортда қанча инсонларнинг тақдири, яна қанча оилаларнинг бахту қувончи турибди. Энг аҳамиятлиси, ана шу мисоллар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотларга юрдошларимиз ва жаҳон ҳамжамиятининг ишончини мустаҳкамламоқда.

Алоҳида эътиборга молик масала шундаки, юртимизда фуқароларнинг нафақат ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини кафолатлашга, шу билан бирга, Конституцияда белгиланган бошқа устувор ҳуқуқларни рўйбга чиқаришга катта ўрғу берилмоқда. Маълумки, Бош қомусимизда иқтисодий фаолият муҳофаза этилиши кафолатланган. Агар мамлакатда сиёсий ҳуқуқлар таъминланиб, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга етарли эътибор қаратилмаса, ислохотлар кемтик бўлиб қолади. Шу маънода аҳолининг ҳар томонлама муносиб ва адолатли турмуш кечиришига эришиш, бунинг учун қулай шароит яратиш масалалари доимий эътиборда турибди. Иқтисодиётни жадал ривожлантириш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун жамоатчилик, бизнес ҳамжамияти, халқаро молиявий ташкилотлар, нуфузли экспертларнинг атрофида

муҳокамаларидан сўнг қабул қилинган Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси, унинг асосида амалга оширилаётган ўзгаришлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, келгуси йилдан жисмоний шахслар учун ҳозиргача амал қилиб келган энг юқори 22,5 фоизлик даромад солиғи ставкаси ўрнига 12 фоизлик ставка белгиланди, 8 фоизлик сугурта бадалли эса бекор қилинмоқда. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси илгари 25 фоиз ўрнига 12 фоиз этиб белгиланмоқда. Тўғриси, узоқ йиллар давомида иқтисодий ислохотлар ҳақида баландпарвоз гаплар кўп гапирилган бўлса-да, амалда оддий одамларга солиқ юки юқориликча сақланиб қолаётгани аҳолини ўйлантириб келётган эди. Ушбу муҳим масалага реал ёндашилиши натижасида муҳим энгилликлар ҳаётга жорий этилмоқда. Оилаларнинг даромадини оширишда, муносиб турмуш кечириш билан боғлиқ ҳуқуқлари рўйбга чиқишида бу ишларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича жорий этилаётган аниқликлар, эришилаётган натижалар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Ютуқлар ўзимизники, лекин биз бундан кейин нима қиламиз?.. Президентимиз маърузасида бу саволга аниқ-равшан жавоб бор.

Айниқса, ижтимоий соҳада белгиланган вазифалар партияимиз, барча даражадаги ташкилотларимиз ва депутатларимиз учун дастуриалмалга айланиши жоиз.

Аввало, мамлакатимиздаги ижтимоий ҳимоя моделини реал талаблар асосида умумэтироф этилган халқаро стандартлар даражасига кўтариш вазифаси белгиланди. Тан олиш керак, ижтимоий ҳимоя модели эски унсурлардан холи эмаслиги сабабли кўплаб муаммолар келиб чиқмоқда. Биргина эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан имтиёзли таъминлаш масаласини олайлик. Очиги, йиллар мобайнида бу долзарб иш эътибордан четда қолиб келган, вақт ўтгани сайин бу борадаги муаммолар кўпайиб бораётган эди. Гарчи осон бўлмаса-да, энди имконият ва ресурс топилапти. Жорий йилнинг ўзига 21 минг 500 дан зиёд муҳтож оила арзон уй-жой билан таъминланди. Уй-жойли бўлиш бизнинг одамлар учун жуда катта қадрият ҳисобланади. Уйли оиланинг кўнгли бутун бўлади, рўзғори-га барака киради. Шунинг учун бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиши эзгуликка ҳизмат қилади.

Фаол электрорат вакилларимизнинг асосий қисми меҳнат қилаётган ти-

биёт ва таълим соҳалари ходимларининг алоҳида ижтимоий қўллаб-қувватлашии машаққатли касб эгаларининг ҳурмат-иззатини жойига қўйишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Партияимиз ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз бир неча йиллардан бери касб-хунаро коллежларидаги таълим, ўқувчиларнинг касб амалиёти билан боғлиқ жараёнлар юзасидан ўрганишлар олиб боради. Президентимизнинг «касб-хунаро коллежлари, афсуски, аксарият ҳолларда реал талаб бўлмаган касблар бўйича қуруқ диплом берадиган даргоҳга айланиб қолди», деган ачиқ гапларини эшитиб, муҳожада қилиб, тўғриси, қаерда хато қилганимизни тушундим. Биз бу масалани кўп муҳокама қилганмиз, мутаассадди ташкилотларга танқидий фикрларимизни билдирганмиз, гўё шунинг билан ўз вазифамизни бажаргандай бўлганмиз. Лекин қандай амалий натижага эришилди, деган саволларга ҳозир жўяли жавобимиз йўқ. **Англаб олаётган ачиқ ҳақиқатимиз шунки, қуруқ танқид билан муаммога ечим топиб бўлмас экан. Камчиликларни кўрсатиш билан чекланиш парламент аъзосига умуман ярашмайди.**

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган энг муҳим йўналишлардан яна бири, партияимиз учун балки энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш бўйича кенчиктириб бўлмайдиган зарур чоралар кўришимиз кераклигидир.

«Мамлакатимизда ишсизлар сони қанча? Иқтисодиётнинг норасмий секторида неча фоиз аҳоли банд? Хорижга иш қидириб кетганларнинг сони-чи?»... Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш асосий мақсади бўлган партияимиз бу саволларга аниқ жавоб беришга, амалга оширган муайян тақлифларини кўрсатишга қийналади. Бу каби тақлифларга эга бўлмасдан туриб, амалий натижага эришиш имконсиз, албатта.

Жорий йилда аҳоли вакиллари билан учрашувларда, турли ҳудудларда энг кўп муҳокама қилинган муаммолардан бири янги қурилаётган уй-жойларнинг сифатига бориб тақалди. Оммавий ахборот воситаларида бу масала бўйича кўплаб танқидий мақолалар эълон қилинди. Партияимиз ташкилотлари, барча даражадаги депутатларимизга шу ҳақда кўплаб мурожаатлар ҳам бўлди. Айрим англашмоччиликларни баратарф этишга

эришилди ҳам. Аммо муаммони мамлакат миқёсида яхлит ўрганиб, таҳлил қилишга улгурмадик. Келгуси йил мазкур йўналишда алоҳида режа асосида қатъий иш юритсак, электроратимиз вакилларига кўпроқ фойдамиз теккан бўларди.

Ҳаётимизда кузатилаётган муаммо ва камчиликларнинг асосий сабаби нимага бориб тақалади? Биринчи навбатда қонунлар ижросига. Президентимиз маърузасида парламентнинг бу соҳадаги фаолиятида туб ўзгариш сезилмаётгани таъкидланди. Жумладан, жорий йилда давлат органлари ва мансабдор шахсларга Сенат бори-йўғи 2 та, Қонунчилик палатаси эса 3 та парламент сўрови юборгани кескин танқид қилинди.

«Парламент мажлисларида марказий органлар ва ҳудудлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитдик», деб мақтанамиз. Лекин савол туғилади: бундай ҳисоботлар бўлаётган бўлса, уларнинг натижалари бўйича қандай хужжатлар қабул қилинди ва ижрога йўналтирилди? Фаолияти қониқарли бўлмаган қайси вазир ёки ҳокимга нисбатан муносабат билдирилди? Халқ вакилларининг қатъий позицияси қаерда қолди?... **Маърузада келтирилган ана шу ачиқ саволларга амалий иш билан жавоб берадиган вақтимиз келди. Акс ҳолда, сайловчилар билдирган юксак ишончни оқламаган, олтинга тенг вақтни беҳуда ўтказган бўламиз.**

Олий Мажлис ҳақиқий баҳс-мунозаралар майдонига айланмагани фаолиятимизга берилган реал баҳо, деб ўйлайман. Октябрь ойида фракцияимизнинг жорий йилдаги 9 ойлик фаолиятини таҳлил қилдик. Фракцияимиз ташаббуси билан 1 та парламент сўрови, 3 та парламент эшитиш, 2 та «Хукумат соати» амалга оширилган, аниқланган муаммолар ечимига қаратилган 22 та депутатлик сўрови юборилгани ҳақида оммавий ахборот воситаларига маълумот бериш билан чекландик. Лекин бу маълумотлар билан танишган сайловчилар, партияимиз аъзолари уларнинг натижалари ҳақидаги саволларига жавоб топишга қийналишни ўйламаган эканмиз. **9 ой давомида фракцияимиз аъзолари ОАВ да 3 мингдан ортиқ чиқиш қилди. Аммо бу чиқишларда мамлакат миқёсидаги қандай муаммолар кўтарилди, қандай амалий тақлифлар берилди, деган саволларга, афсуски, ҳеч нарса дея олмаимиз.**

Бирон мавзуда ойлаб, ҳафалаб, соатлаб баҳс-мунозаралар юритиш мумкин. Бироқ натижа бўлмаса, бундай баҳсдан ҳеч кимга фойда йўқ. Масалалар шу нуқтаи назардан қарасак, Президентимиз ҳақиқий баҳс-мунозаралар, деганда нимани назарда тутаётганини тушунамиз. Парламентдаги мунозаралар аниқ мақсадга ҳизмат қилиши, муҳими, ундан муайян натижа бўлиши зарур. Ҳар бир саволни пухта ўйлаш, ҳар томонлама асослаш шарт. Баъзида шундай бўладики, ижро ҳокимияти вакиллари депутатларнинг саволларига жўяли жавоб бера олмайд, кейин маълумот беришини айтиб вазиятдан чиқишга уринади. Шундай пайтларда, тўғриси, уларни тушунишга ҳаракат қиламиз. Демократик ислохотлар қатъийлик ва принципалликини тақозо қилаётганда масалани кўндаланг қўйишни, талаб қилишни кундалик иш тартибимизга айлантиришимиз зарур. **Керак бўлса, долзарб масалалар юзасидан ОАВ орқали фракцияимизнинг баёнотини мунтазам равишда эълон қилиб боришимиз керак. Токи, аҳоли, партияимиз аъзолари қайси масалада фракцияимиз позицияси қандай экани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлсин.**

Президентимиз маърузасида парламент сўровлари ва парламент эшитишларининг таъсирчанлигини ошириш, депутат ва сенаторларнинг жойлардаги ҳақиқий ҳолатини ўрганиш асосида тақлиф бериш кўникмасини мустаҳкамлаш масалаларида аниқ кўрсатмалар берилди.

Шу ўринда парламент зиммасига қўйилган муҳим вазифалардан бирига алоҳида эътибор қаратишимиз керак, деб ҳисоблайман. Бу қонуности ҳужжатларини қабул қилиш амалиётидан воз кечиш ва тўғридан-тўғри қўлланадиган қонунлар қабул қилиш вазифасидир. Аслида қонунлар ижроси таъминланмаслиги, турли-туман англашмоччилик ва чалқашликлар келиб чиқишининг асосий сабаби ана шу муаммо билан боғлиқ бўлмоқда. Чунки кўплаб қонунларимиздаги асосий муносабатлар, тартиб-таомиллар асосан қонуности меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Натижада нима бўляпти? Парламент муайян қонуннинг ижросини ўрганиш учун ижро ҳокимияти белгиланган ҳужжатга асос сифатида қарашга мажбур бўляпти. Яъни, давлат, жамият ва фуқаролар ўртасидаги муҳим муносабатлар бевоқифа қонун орқали эмас, бошқа ҳужжатлар орқали тартибга солиняпти. Бундай ҳолат қонунлар ижроси таъминланишига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Ушбу ҳолатни ўзгартириш, ташаббусни қўлга олиш энг аввало парламент аъзоларининг маъсулияти, салоҳияти ва фидойилигига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

ФРАКЦИЯ ПОЗИЦИЯСИ

Жавобгарликни кучайтириш зарурати

Айрим қонун лойиҳалари айнан шу жиҳатдан бир-бирига ўхшайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси навбатдаги йиғилиши «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси билан бошланди. Лойиҳада ер ости табиий ресурсларини ўзбошимчалик билан қазиб олиш ҳолатларига нисбатан жавобгарликни кучайтириш тақлиф этилмоқда.



Аксаули ТУМИШОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:



Бунёд ЭШОНКУЛОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Ер ости бойликлари қайта тикланмайди, жуда узоқ йиллар давомида табиий равишда шаклланади. Демак, улардан фойдаланишда тартиб-қоидага амал қилиш талаб этилади. Бу борада меъёрлар белгиланган бўлишига қарамай, қонунбузарлик кузатилмоқда. Масалан, жисмоний шахслар томонидан таркибида олтин мавжуд маъданларни рухсатсиз қазиб, қончилик ишларини бехатар олиб бориш қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари учрамоқда. Оқибати ўлим билан тугашига, металнинг ноконуний айланишига ва фойдали қазилмаларни ўзбошимчалик билан қазиб олишга қарши жавобгарликни кучайтириш зарурати юзага келди.

Айниқса, сувдан оқилана фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик доимий диққат марказида бўлган масалалардан ҳисобланади. Зотан, ер юзидан

чучук сувлар камайиб, тақчиллик кузатилмоқда. Қонунчиликка киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар эса бу борадаги ҳушёрликни ошириб, сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтиради, деб ўйлайман. Лойиҳада минерал ва термал сувларига эмас, умумий ер ости сувларидан самарали, оқилана фойдаланиш назарда тутилмоқда.

Ўйлаймизки, ушбу ўзгариш ва қўшимчалардан сўнг ер ости бойликлари рухсатсиз қазиб олиш ҳолатлари камайд.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар диққат марказида бўлди. Таъкидландики, қонун лойиҳаси Президентнинг тегishли қарорлари асосида ишлаб чиқилган.

га қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш учун ҳам жараима миқдорини ошириш кўзда тутилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида ҳам анча долзарб масалалар ўрин олган. Хусусан, интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, соҳадаги миллий қонун ҳужжатларини халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштириш режалаштирилган.



Шухрат МАМАЖАНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Жорий йил 30 ноябрь кунда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистоннинг бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилишини кўзда тутиб қонунлар қабул қилинган эди. Булар «Фонотрама таъйиловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонотраммаларини ноконуний тақдорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенция, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Мюллийфлик ҳуқуқи бўйича шартномаси ва Ижролар ва фонотраммалар бўйича шартномасидир. Албатта, мазкур халқаро ҳужжатлар талабларига риоя этилиши қонунчилигимизга айрим ўзгаришлар киритишни тақозо этади.

Маълумотларга кўра, мюллийфлик ва турдош ҳуқуқларнинг бузилгани бўйича геология ва минерал ресурслар давлат кўмитасига 2017 йилда 140 га яқин, жорий йилнинг 11 ойида 150 ортиқ мурожаат бўлган. Прокуратура органлари томонидан 750 га яқин ана шундай ҳолатлар аниқланган. Бундан кўриниб турибдики, соҳага алоқадор қонун талабларини, жавобгарликни кучайтириш талаб этилади.

Шу жиҳатдан мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлайман. Бироқ айрим масалаларга жиҳдийроқ эътибор қаратиш лозим. Қонун лойиҳасининг тушунтириш хати ва концепциясида қонун ижодкорлиги талаб ва қоидаларига риоя этилмаган. Масалан, статистика, ўрганишлар таҳлили ва мавжуд ҳолат ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Ваҳоланки, аслида бу жиҳатлар инобатга олинши, қонун лойиҳасининг ҳаётий зарурати, шаффофлиги, киритилаётган меъёрлар ва ўзгаришларнинг мақсади аниқ айтирилиши зарур. Халқаро шартномалар талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқни қўллаш миллий амалиётини такомиллаштириш шунчаки кўргазма учун бўлиши керак эмас. Бу ўринда асосий мақсад муллийфлик ва турдош ҳуқуқларнинг муҳофазасини кучайтириш бўлмоғи лозим.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАВРА СУХБАТИ

Ҳуқуқ ва эркинликларимиз рўёби

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Конституция — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш кафолати» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрождидин Дархонов Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни аҳоли орасида кенг тушунтириш масалаларига эътибор қаратди. Ёшларнинг ҳуқуқий билимини оширишда партия ташкилотлари ҳамда депутатлар олдига турган долзарб вазифалар ҳусусида тўхталиб ўтди.

Бош қонунимизни чуқур ўрганиш, ҳаётимиздаги аҳамиятини англаш, тарғибот-ташвиқот ишларини кенг қўламада олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, меҳнат ҳуқуқини таъминлаш масалалари Конституцияда белгилангани партияимиз электрорат манфаатларини кафолатлашга ҳизмат қилмоқда.

— Конституцияимизда инсон омили, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий мақомга қўтарилган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзДП фракцияси аъзоси Хайрулло Рўзметов.** — Шунингдек, унда миллий кадриятларимиз ҳам ўз ақсини топган. Бу жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Чунки инсонпарварлик, баргиреклик, меҳр-оқибат, ғамхўрлик тамойили асосида шаклланган жамиятда оқ-йишталлик ҳукм суради.

Масалан, Конституцияда вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур экани белгиланган. Қариб, қувватдан кетган инсонга эътибор қаратиш, меҳр бериш орқали унинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига ҳисса қўшилилади. Фарзандларимизнинг бу ҳақдаги тушунча ва тасаввурини кенгайтиришимиз зарур.

Шунингдек, тадбирда ҳуқуқшунос Алиқул Раҳмонов Ўзбекистон ва Германия Конституцияларидаги асосий тамойиллар, ўзига ҳуқуқсустайиларни аниқ мисоллар асосида таққослаб, тушунтириб берди.

Давра суҳбатиди депутатлар ёшларнинг Конституция ва демократик ислохотлар ҳақидаги саволларига жавоб беришди.

Ўз мухбиримиз.

Ёкутхон ХАЙДАРОВА,
Жиноят ишлари бўйича
Мирза Улуғбек туман суди
раиси.

ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ ДАСТУРИ

Маърузада келтирилган мисоллар орқали Конституциямиз ҳақиқатан ҳам жамиятимиз, унинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқи ва манфаатини кафолатлайдиган Бош қомус эканини чин дилдан ҳис қилдик.

Албатта, ўтган 26 йил давомида Асосий қонунимиз умуминсоний ва миллий қадриятларга асослангани, юксак демократик ғояларни ўзида мужассам этгани ҳақида кўп эшитганимиз, бу мавзуда қанча-қанча мақолалар, китоб ва рисоаларни ўқиганимиз. Лекин менинг шахсий фикрим шуки, Президентимизнинг маърузаси Конституциямизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама терекин, пухта, ҳаётий мисоллар асосида чуқур таҳлил қилиб ёритиб берилгани билан алоҳида қимматга эга. Шунинг учун ҳам ушбу маърузани эшитганимдан сўнг Конституциямиз асосида юртимизда бугун олиб борилаётган ислохотлар кўз ўнгимда янги маъно-мазмун ва қиёфада намоён бўлди.

Бу маъруза аввало адолат руҳи билан йўрилгани билан эътиборга сазовор. Унинг бутун мазмунинда ҳалқимиз учун адолатли, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, мамлакатимиз тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш бош ғоя сифатида яққол сезилиб турибди. Айни чоғда бу улғу мақсад йўлидаги ҳаракатлар ҳам аниқ белгилаб берилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сўнгги икки йилда, тарихан низолатда қисқа муддатда инсон ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Бир пайтлар бу ҳақда нафақат амалий ҳаракатлар олиб бориш, ҳатто гапиришнинг ўзи ҳам оғир масала эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу ислохотлар тарихий аҳамиятга эга бўлиб, қанчалик улкан жасорат, ақл-идрок, маънавий-интеллектуал салоҳият, машаққатли изланишлар, мустаҳкам ирода ва до-

нишмандликни талаб этаётганини аниқлашди.

Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳамма соҳаларда чуқур ўйланган дастурлар, «йўл хариталари» амалга оширилмоқда. Президентимиз уларнинг барча-барчасига Асосий қонунимиз асос бўлаётганини таъкидлаб, «Халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун муносиб шароит яратиш – Конституциямизнинг бош мақсади» эканига эътибор қаратди. Яъни, барча ислохотларимиз замирида Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, адолат ва қонун устуворлиги мужассам бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузаси ҳам мамлакатимиз учун яна бир ўзига хос тараққиёт ва адолат дастури бўлиб хизмат қилади, десак, адашмаймиз.

Фан-таълим соҳаси вакили сифатида, айниқса, маърузада ижтимоий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, илм олиш, таълим-тарбия, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида билдирилган фикрлар менда катта қизиқиш уйғотди. «Биз «тарбия гўдақликдан бошланади» деган ҳикматли сўзга амал қилиб, таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришларни унинг энг юқори босқичи – мактабгача таълим тизимидан бошладик», деб қайд этилади маърузада. Яъни, Ўзбекистонда барча соҳалар қатори таълим тизимидagi ислохотларни амалга оширишда ҳам биринчи навбатда одамларнинг, ҳаётнинг энг муҳим талаблари эътибор марказига қўйилмоқда. Барча соҳалар қатори таълим тизимидa ҳам инсонларварлашув – гуманизм жараёнлари кучаймоқда. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг



кенг жорий этилаётгани таълимнинг барча босқичларида хилма-хилликни, муқобилликни, соғлом рақобат бўлишини таъминланмоқда. Сўнгги икки йилда юртимизда болалар боғчалари сони 1 минг 400 тага ортиб, 6 минг 367 тага етди. Уларда юқорида зикр этилган тамойиллар, замонавий тарбия ва ўқитиш услублари жорий этилаётгани гоёат муҳимдир.

Маърузада мамлакатимиз олий таълим тизимидagi ўзгаришлар ҳам афзолича таҳлил қилинди. Сўнгги икки йилда 5 та олий таълим муассасаси ҳамда 12 та нуфузли хорижий олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилди. Қанча-қанча университет ва институтларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Уларда меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатини рағбатлантириш борасида туб бурилишлар юз бермоқда. Энг муҳими, жамиятимизда ўқитувчи, илм-фан соҳаси вакилларига ҳурмат-эътибор бир неча баробар юқори кўтарилди.

Шахсан ўзим фаолият олиб бораётган Г.Плеханов номидаги Россия

иқтисодий университетининг Тошкент филиали мисолида ҳам бу борада қўллаб-ўзғаришлар юз берганини таъкидлашни истардим. Ўтган 20 йил мобайнида ўзининг биносига эга бўлмасдан келган филиалимиз Президентимизнинг таълим соҳасига қўрсатаётган алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бу йил пойтахтимизнинг марказий қисмида замонавий биносига эга бўлди. Россия томонидан ушбу бинони таъмирлаш ва жиҳозлаш учун зарур ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. 2018 йил октябрь ойида Россия Федерацияси Президенти В.Путиннинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Тошкент шаҳрида икки давлат олий таълим муассасаларининг ҳамкорлик масалаларига бағишланган ўтказилган халқаро форумда иштирок этиш учун келган университет ректори, профессор В.И. Гришин ҳамда Россия Фан ва олий таълим вазирлиги М.М. Копков, қолаверса, россиялик ҳамкасбларимиз филиалимизда яратилган замонавий шарт-шароитларни кўриб, бундай имкониятлар фақат давлат раҳ-

бари томонидан таълим тизимига катта эътибор бериладиган мамлакатгагина бўлади, деб, биздаги ўзгаришларни эътироф этишди.

Маълумки, Президентимиз ўзининг ҳар бир чиқишида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратади. Конституция кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида ҳам давлатимиз раҳбари ёшлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. «Биз ёшларимизда тadbirkorlik ташаббусини ривожлантира олсак, уларга маблағлардан тўғри фойдаланишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки қўллаб-йўлловчи муаммоларни ҳам ҳал этган бўламиз», деб таъкидлади.

Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида уларнинг муносиб иш жойларига эга бўлиши, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун маърузада аҳолини иш билан бандлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. «Биз бир нарсани тўғри тушунишимиз керак, — деб қайд этди давлатимиз раҳбари, — битта ишсиз одам — ўнта муаммо дегани. Бу муаммолар ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зарарини ҳисобласак, масаланинг нақадар жиддий экани янада ойдинлашади».

Таъкидлаш керакки, ана шу қисқина сатрларда «ишсизлик» тушуначисининг ижтимоий моҳияти аниқ ифода этиб берилди. Шу билан бирга, бу муаммо бир кишининг эмас, бутун мамлакат, халқнинг муаммоси экани, бир жамиятда яшаётган инсонлар бир юрт фуқаролари сифатида ўзаро ижтимоий мажбуриятлар билан боғлангани қайд этилмоқда. Бинобарин, битта одамнинг ишсизлиги ҳам жамият томонидан жиддий муаммо сифатида қабул қилиниб, ўз вақтида ҳал этилиши керак. Акс ҳолда, бундан келгусида жамиятнинг ўзи зарар кўради.

Маърузада мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя моделини реал талаб-

лар асосида умумэтироф этилган халқаро стандартлар даражасига кўтариш борасидаги вазифалар ҳам аниқ белгилаб берилгани жамиятимизда ижтимоий адолат тамойилларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахсларни, эҳтиёжманд ва ночор оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларни арзон уйлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Яъни, мамлакатимизда юқорида қайд этилган янги, замонавий ижтимоий ҳимоя модели шаклланимоқда. Жорий йилнинг ўзида 21 минг 500 дан зиёд ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахслар, эҳтиёжманд ва ночор оилалар арзон уйлар билан таъминлангани ана шу модель самарали ишлаб, ўз натижасини бераётганини кўрсатади. Бундан ташқари, 30 минг 500 га яқин ногиронлиги бўлган шахсларга умумий қиймати 3,6 миллиард сўмлик протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари ажратилган. Уларнинг 16 минг нафари реабилитация марказларида даволанган ва бу мақсадлар учун қарийб 17 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Маъруза мазмун-моҳиятидан кўриниб турибдики, бугунги Ўзбекистонимиз буюк мақсадлар сари дадил одимламоқда. Белгилаётган режаларимиз ҳам улкан. Уларни бажариш учун катта имкониятлар борлигидан эса қувонч ва ғуруримиз янада ортади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маърузаси шу жиҳатдан гоёат бекиёс аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам бу маърузани чуқур ўрганиб, унинг маъно-мазмунини халқимиз, айниқса, ёшларимизга етказиш биз — илмий зиёлилар ва олимларнинг муқаддас бурчимиздир.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

Реклама, табрик

«Ўзпахтаёғ» тизимидаги

«КОНТИНЕНТ-Н ЁҒ-МОЙ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизни, юртимиз меҳмонларини тобора яқинлашиб келаётган

Янги — 2019 йил билан муборакбод этади!

Янги йилда режалаштирган барча эзгу ишларингиз амалга ошсин!

Янги йил оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонингизга қут-барака келтирсин!

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 71 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 71 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 71 233-38-55, 71 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1238. 6332 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'zA yakuni — 23:10.

Topshirilgan vaqti — 02:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Nabvatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Gazetaning elektron sahifasiga ulash uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 6